



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**  
**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**  
**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**  
*Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Бурдиашвили Майя**  
*Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия*

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
*профессор, Телавский государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Кобзева Ольга Петровна**  
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети*

**Зияева Доно Хамидовна**  
*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Одилов Аброр Анварович**  
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Саипова Камола Давляталиевна**  
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
*тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Толипов Файзулла Саидович**  
*Тошкент давлат техника университети доцент, тарих фанлари номзоди*

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1.Рафикжон Атаханов</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
<b>2.Фахриддин Абдулбоқиев</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
<b>3.Илхомжон Гуламов</b> XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
<b>4.Дилшод Комолов</b> ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
<b>5.Фазилат Нурметова</b> ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
<b>6.Рислиғой Расулова</b> ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
<b>7.Нилуфар Рахматова</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
<b>8.Дилшода Рўзиева</b> ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
<b>9.Шавкатжон Тўланбоев</b> ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
<b>10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
<b>11.Солижон Қудратов</b> ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
<b>12.Шахноза Холикулова</b> ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Дилшод Пулатович Комолов,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Тарих институти тадқиқотчиси,  
тарих фанлари номзоди  
Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази

## ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

**For citation:** Dilshod Pulatovich Komolov, TRANSFORMATION OF TRADITIONAL JUGGES IN TURKESTAN ASSR. Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.24-30

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-4>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Туркистон АССР ҳудудида қози ва бий судларининг совет ҳокимияти томонидан босқичма-босқич тугатишга қаратилган сиёсати таҳлил қилинган. Шунингдек, қози ва бийларни сайлаш жараёни, судлов ваколатига кирган ишлар, апелляция ва кассация тартибида шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда улар амал қиладиган ҳуқуқий манбалар ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Адлия халқ комиссарияти, қози, бий, совет судлари, апелляция, кассация, ислом дини, матбуот, қурултой, низом, сайлов, номзод, даъво, давлат божи, жарима, жиноят, муҳр

Дилшод Пулатович Комолов,  
Академия Наук Республики Узбекистан  
Исследователь института Истории,  
Кандидат исторических наук  
Кашкадарьинский областной региональный центр переподготовки и  
повышения квалификации работников народного образования

## ТРАНСФОРМАЦИЯ ТРАДИЦИОННЫХ СУДОВ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АССР

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется политика советских властей, направленная на постепенную отмену казийских и бейских судей на территории Туркестанской АССР. Обсуждаются также процессы выборов судей и дела, подпадающие под юрисдикцию суда, порядок рассмотрения в апелляционной и кассационной процедурах; также анализируются правовые источники, к которым они применяются.

**Ключевые слова:** Народный комиссариат юстиции, кази, бей, советский суд, апелляция, кассация, ислам, пресса, конгресс, устав, выборы, кандидат, иск, государственная пошлина, штраф, преступление, печать

**Dilshod Pulatovich Komolov,**  
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan  
Investigator of History institute,  
Candidate of Historical Sciences  
Kashkadarya regional centre of retraining public education personnel  
and developing their qualification

## TRANSFORMATION OF TRADITIONAL JUGGES IN TURKESTAN ASSR

### ABSTRACT

In this article it is analyzed the policy of the soviet authorities directed to step by step abolishment of judges of kaziys and biys in the territory of Turkestan ASSR. Besides it is reviewed the process of the judge election of kaziys and biys and trial affairs, consideration order of appeals and cassations and the laws concerning this matter.

**Index Terms:** People's Commissariat of Justice, kaziyy, biy, Soviet courts, appeal, cassation, islam, press, election, candidate, lawsuit, state duty, fine, crime, seal

---

### 1. Долзарблиги:

Мақоланинг долзарблиги, энг аввало, шу билан асосланадики, ҳозирги шароитда суд ислохотларининг муваффақиятли амалга оширилиши ва фуқароларда янги ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши кўп жиҳатдан, совет даври мафқурасининг салбий оқибатларининг тугатилиши билан боғлиқдир. Бинобарин, мустабид совет ҳукмронлиги давридаги суд сиёсатини таҳлил қилиш, суд идоралари фаолиятини холис баҳолаш, унинг мақсад ва вазифаларини тадқиқ этиш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, совет ҳуқуқ тизимининг шаклланиш тарихи ва суд идораларининг фаолиятини ўрганиш совет давлатчилигининг мустабидлик хусусиятини, унинг шаклланиш ва қарор топиш босқичларини объектив очиб бериш имконини беради.

### 2. Тадқиқот методологияси:

Мақолада қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув методларидан фойдаланилди. Бу катта ҳажмдаги манбаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берди. Шуни қайд этиш зарурки, ТАССР суд тизимига оид тадқиқотлар асосан совет даврида амалга оширилган. Х.Сулейманова, М.Сапарғалиев, Ф.Бакиров, А.Расулов, Ш Уразаев, Н.Абидовалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ҳамда Туркистон АССР судлари фаолиятининг айрим жиҳатлари Ўрта Осиё республикалари суд тизими тарихига ёки бошқарув органлари фаолиятига бағишланган баъзи бир тадқиқотларда қисман кўриб чиқилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Туркистонда асрлар давомида шаклланган анъанавий қози судлари мавжуд бўлиб, шариат асосида иш юритган. Ислом дини тартиблари билан уйғунлашиб кетган мазкур суд тизимининг мавқеи аҳоли ўртасида ниҳоятда юксак эди. Ўлкада мустабид совет ҳокимияти ўрнатилгач қози ва бий судлари жиддий ўзгаришларга учради.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мавжуд бўлган қози ва бий судларининг фаолияти икки даврга бўлинади:

Биринчи давр 1917-1919 йилларни ўз ичига олади. Ушбу давр суд ҳақидаги биринчи декрет қабул қилинишидан токи ягона халқ судлари ташкил этиш ҳақидаги ислохотга қадар давом этди.

Иккинчи давр 1921-1928 йилларни қамраб олади. Бу давр 1921 йил қози ва бий судлари қайтадан тикланишидан бошланиб, токи бутунлай тугатилишига қадар давом этди.

1917 йил 1 ноябрда Туркистонда большевиклар ҳукумати ўрнатилгандан сўнг янги совет судларини ташкил этиш ҳақида декрет ва қарорлар қабул қилинди. Бироқ буни қисқа муддатда амалга ошириш мумкин эмаслиги боис қози ва бий судлари фаолиятига руҳсат берилди.

Бироқ мазкур судлар амал қилиши лозим бўлган бир қатор талаблар мавжуд эди. Аввало, қози ва бийлар чиқарган ҳукмлар совет ҳукумати декретларига зид бўлмаслиги лозим эди. Бундан ташқари, улар сиёсий жиноятларни кўришга ҳақли эмас эди. Бундай турдаги ишлар айбланувчининг миллатидан қатъий назар совет судларида кўриб чиқилар эди.

1918 йил 9 декабрда Туркистон АССР МИҚ қози ва бийлар судловига тегишли ишлар юзасидан декрет қабул қилди[1]. Ушбу декретда судлашаётган томонлардан бири оғзаки ёки ёзма равишда ишни совет судларига ўтказиш ҳақида мурожаат қилса, бундай ҳолатда иш бир ҳафта муддатда совет судларида кўриб чиқилиши баён этилган эди.

1919 йил 12 февралда Туркистон АССР МИҚда бўлиб ўтган йиғилишда қози ва бий судларини тугатиш масаласи кўриб чиқилди. МИҚ аъзолари бу борада икки гуруҳга бўлинган эди. Биринчи гуруҳ қози ва бий судларини тугатишга ҳали вақт бор деб ҳисоблар эди. Масалан, Г.Агаревский маҳаллий аҳоли ишни қози ва бийлардан совет судларига ўтказиш ҳақида мурожаат қилмаётганини таъкидлаган эди. У фикрида давом этиб, ушбу судлар аҳолининг диний эътиқоди билан узвий боғлиқ эканлиги, шунинг учун тезда тугатиш мумкин эмаслигини баён этган эди. Қолаверса, масаланинг молиявий томонларига эътибор қаратиб, қози ва бийларни тугатиш ҳамда уларнинг ўрнига совет судларини ташкил этиш катта маблағ талаб этиши, ҳукумат эса янги судлар ташкил этиш тугул мавжудларини ҳам маблағ билан таъминлай олмаётганлигини маълум қилган эди. Т.Рисқулов унинг фикрини қўллаб-қувватлаб, бу масалани босқичма-босқич амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди. Иккинчи гуруҳ эса кескин чоралар кўриш тарафдорлари эди. Жумладан, А.Казаков, И.Федяев зудлик билан ушбу судларни тугатиш борасида тегишли меъёрий-ҳужжатни ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблайди. Охир-оқибатда ҳукумат арбоблари бу борада бир тўхтамга кела олишмайди[2].

Қози ва бийлар кўрган иш юзасидан маҳаллий аҳоли шикоят қилмагач, совет ҳокимияти ушбу судларга таъсир этишнинг янги усулини қўллайди. Жумладан, 1919 йил 4 мартда Туркистон АССР МИҚ қабул қилган буйруққа асосан, совет судьяларига маҳаллий аҳоли шикоят қилмаса ҳам қози ва бий судлари кўрган ишга раддия билдириб, ҳукми бекор қилиш ва қайтадан кўриб чиқиш ҳуқуқи берилди[3]. Бундан кўзланган асосий мақсад қози ва бий судларини обрўсизлантириш ҳамда халқ кўз ўнгида гўёки совет судлари адолатли эканлигини кўрсатиб қўйиш эди.

Ягона суд тизимига ўтилиши муносабати билан 1919 йил 17 июнда Туркистон АССР ХКС қарор қабул қилади ва 1 августдан барча қози ва бий судлари тугатилади. Аҳолининг даъволари миллати, тили ва динидан қатъий назар совет судларида кўрилиши маълум қилинди.

Совет халқ судлари Туркистон АССРнинг барча ҳудудларини қамраб олмаган эди. Кадрларнинг етишмаслиги, маблағ билан таъминланмаслик, тегишли меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги, судьяларнинг тажрибасизлиги туфайли тўлиқ иш юритмасди. Совет халқ судьяларининг аксарияти европаликларга мансуб шахслардан сайланиб, улар маҳаллий шарт-шароит, ерли халқ тили ва анъаналарини билмасди.

Октябр тўнтаришига қадар Туркистонда 275 та қози ва 2268 та бий судлари мавжуд эди[4]. Биргина Сирдарё вилояти мисолида олиб кўрилса, Перовский уездида 196 та бий суди, Туркистон уездида 79 та бий, 6 та қози суди, Черниев уездида 40 та бий, 10 та қози суди, Тошкент уездида 66 та бий, 20 та қози суди фаолият юритган[5]. Кўрсатиб ўтилган судлар тугатилиб, вилоят ҳудудида совет ҳокимияти томонидан 62 та халқ судлари ташкил этилиши маълум қилинган эди. Бироқ совет судлари сон жиҳатдан ҳам, иш юритиш тартиби билан ҳам мутлақо маҳаллий аҳоли талабларига жавоб бермас эди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар халқ норозилигига сабаб бўлган. Маҳаллий аҳоли турли намойиш ва митинглар ўтказиб, кўп асрлик анъанавий судларни тиклашни талаб қилдилар. Масалан, 1919 йил 24 июнда Тошкентнинг Эски шаҳрида бўлиб ўтган намойишда қатнашчилар ўз ораларидан Иноғомжон Муҳаммаджоновни вакил сифатида сайлаб, Адлия халқ комиссарлигидан қуйидагиларни талаб қилган эди: «Биз мусулмонлар шариятга асосан

иш юритамиз, шариатсиз яшашимиз мумкин эмас. Мусулмонлар ўртасидаги муносабатлар қози судлари асосида ҳал қилинишини сўраймиз»[6]. 1919 йил 26 июлда Самарқанд шаҳридаги намоийшчилар совет халқ суди мусулмонлар турмуш тарзига мос келмаслигини баён этдилар. Суд қарори шариатга эмас, инқилобий виждонга асосланишидан норози эканликларини билдирдилар[7].

Бир томондан тинч аҳоли, иккинчи томондан қуролли қаршилик ҳаракати раҳбарлари совет ҳокимиятидан қози ва бий судларини тиклашни талаб этдилар. Деярли барча кўрбошилар совет ҳокимияти билан музокараларида динга эркинлик бериш ва қозихоналарни очиш талабини қўйганлар. Масалан, Фарғонадаги совет режимига қарши қуролли ҳаракат раҳбарларининг 1921 йил август ойида Туркистон Советларининг X қурултойига йўллаган мурожаатида мактаб, мадрасаларни очиб қўйиш, қозилар маҳкамасини тиклаш талаби қўйилган эди[8, Б.199]. 1921 йил 2 сентябрда совет ҳукумати вакиллари билан Шермухаммадбек ўртасида бўлиб ўтган музокараларда тинчлик сулҳи шартлари орасида динга эркинлик бериш, халқ қозиларини аҳоли томонидан сайлаш каби талаблар бор эди[9].

Анархия ҳолатида бўлган, жамиятга эмас, инқилоб манфаатларига хизмат қилган совет судлари халқ ишончини қозона олмаган эди. Қуролли қаршилик ҳаракати ҳам ўзининг авж палласига чиққан бўлиб, кураш сардорларининг қози ва бий судларини тиклашни қатъий шарт қилиб қўйиши натижасида совет ҳокимияти ён беришга мажбур бўлди. Миллий матбуот саҳифаларида бу ҳақда шундай маълумотлар баён этилган: «Шўро адлия идоралари инқилобнинг ўтган тўрт йили давомида кераклик вазифаларини бажара олмадилар. Мамлакат барча томондан ҳарбий жабҳалар билан ўралган, ҳар бир иш инқилобий, фавқулодда идоралар томонидан тартибсиз ҳал этилар, парокандалик ва суиистеъмолликлар авж олган эди. Шу боис халқ шўро адлиясини тан олмади»[10].

Совет ҳокимияти дастлаб қуролли қаршилик ҳаракатининг Туркистондаги энг кучли маркази бўлган Фарғона вилоятида қози ва бий судларини тиклашга киришди. 1921 йил октябрда Туркистон АССР МИҚ Фарғона вилоятида қози судларини тиклаш ҳақида қарор қабул қилди[11]. Қарорда таъкидланганидек, аҳолининг хоҳишига мувофиқ ўтроқ аҳоли учун қози, кўчманчилар учун эса бий судлари ташкил этиладиган бўлди. Ушбу ҳужжатда мазкур судларни ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси кўрсатиб ўтилган эди. 1922 йил май ойида вилоятда 180 га яқин қози судлари иш юритар эди[12, С.162].

Қози судлари шариат, бий судлари эса одатга асосан иш юритган. Қози ва бийлар судловига қуйидаги ишлар тегишли бўлган: а) оилавий ҳуқуқий муносабатлар: никоҳ, ажралиш ва шу билан боғлиқ масалалар; б) мерос ҳуқуқига оид масалалар: меросхўрларни тасдиқлаш ва меросни улар ўртасида тақсимлаш; в) 500 рублдан ошмаган фуқаролик даъволари; г) жамоат тартиби, шахснинг шаъни ва кадр-қимматида қарши қаратилган жиноятлар, диний эътиқод билан боғлиқ жиноятлар[13].

Қози ва бий фуқаролик ишларини кўрганда томонлардан давлат божини ундирган. Жинорий ишлар бўйича эса айбдор деб топган шахсларга 300 рублгача жарима солиши ёки 1,5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаши мумкин эди[14]. Суд чиқарган ҳукм ва қарор ижросини таъминлаш уезд ва шаҳар милицияси зиммасига юклатилган эди.

1922 йил июл ойида Туркистоннинг бошқа вилоятларида ҳам қози ва бий судларини ташкил этиш мақсадида адлия ходимларининг қурултойи бўлиб ўтади. Қурултойда Туркистон АССРдан ташқари Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларидан ҳам вакиллар иштирок этади. Унда Адлия халқ комиссарлиги вакиллари ва фиксхунос олимлар ўз маърузалари билан иштирок этишади. Қурултойда қози судлари амал қиладиган ҳуқуқий манбалар ҳам муҳокама этилади. Матбуотда бу ҳақда шундай ёзилган эди: «Яқинда бутун қозиларнинг қурултойи чақирилади. Мақсад суд ишларидан олинган тажрибани бир жойга тўплаш ва ундан фойдаланишдир. Матбуот орқали эса жумҳурият фуқаросига бунини билдиришдир. Табиийки, қурултойнинг материалларидан ҳукумат қонун тузувчилари, олимлар ҳам кўп фойдаланишлари мумкин. Кўриладиган масалалар муҳим ва масъулиятлидир»[15].

Қурултой натижаларига асосланиб 1922 йил 25 июлда Туркистон АССР МИҚ «Қози ва бий судлари ҳақидаги» Низомни тасдиқлади[16]. Ушбу ҳужжатда мусулмон аҳоли учун қози ва бий судлари амал қилиши, уларнинг сайланиш тартиби ҳамда бошқа ҳуқуқ ва ваколатлари белгилаб берилган эди.

Қозиларни сайлаш Россия империяси давридаёқ жорий этилган эсада, совет даврида у янада мураккаблаштирилиб, бошқарув тизимига бўйсундирилди. Қозиларнинг сони вилоят ижроия кўмиталари томонидан белгиланар эди. Сайловга оид ташкилий масалалар билан уезд ижроия кўмиталари шуғулланган. Қозиларни тегишли ҳудуддаги 18 ёшга тўлган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган мусулмон аҳоли сайлаган. Сайланиш ҳуқуқига эса Туркистон ҳудудида яшовчи 25 ёшга тўлган, судланмаган, шариат билимларини биладиган эркак фуқаролар эга бўлган. Қозиларнинг ваколат муддати бир йил эди. Агарда қози қонунга хилоф ҳаракат содир этса муддатидан олдин вазифасидан озод қилиниши мумкин эди.

Халқ томонидан икки номзод сайланган ва улардан бири қози, иккинчиси эса ёрдамчи вазифасини бажарган. Уезд ижроия кўмитаси сайланган номзодларни тасдиқлаш учун вилоят ижроия кўмитасига тақдим этган. Агарда ижрокўм номзодни тасдиқламаса, сайлов қайтадан ўтказилган ёки ҳокимият кўрсатган бошқа бир номзод қози этиб тайинланган. Бундан кўришиб турибдики, қозилик лавозими учун ташкил этилган сайловлар кўзбўямачиликнинг худди ўзгинаси эди. Халқ ўзига муносиб номзодларни қанчалик сайламасин, барибир бу лавозимни совет ҳукумати розилигисиз ҳеч бир шахс эгаллай олмас эди.

Анъанавий судларни тугатишни мақсад қилган совет ҳокимияти учун амалдаги сайлов тизими кулай бир восита эди. Совет ҳокимияти халқ орасида кучли нуфузга эга бўлган, ватанпарвар, шариат билимларини мукамал биладиган шахсларни қози этиб сайланишига умуман йўл қўймаган. Аксинча чаласавод, порахўр ва мустабид тузумга хизмат қиладиган шахслар бу лавозимни эгаллаган. Оқибатда қозиларнинг кўплаб ногўри қарор ва ҳукмлари совет судлари томонидан бекор қилинган ва меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қиладиган энг адолатли суд – совет судлари, дея даъво қилган.

Қози судлари устидан апелляция шикоятни бериш учун қозиларнинг уезд кенгаши ташкил этилган эди. Ҳукм ёки қарордан норози томон икки ҳафта ичида кенгашга шикоят бериши мумкин эди. Кенгаш таркибига уезд ҳудудида фаолият юритаётган 3-6 нафар қози кирган.

Кенгаш ўз йиғилишини ҳар ойда камида бир марта ўтказиши шарт эди. Ушбу кенгаш устидан кассация инстанцияси вазифасини совет судлари бажарган. Ҳукмдан норози томон икки ҳафта муддатда совет судига кассация шикоятни бериши мумкин эди.

Қози ва бийлар маҳаллий аҳолининг никоҳ, ажралиш, мерос ва 10 йилгача ижарага бериладиган ерга оид даъволарини кўриб чиққан. Суд ўз фаолиятида шариат ва одатга асослансада, қабул қилинган ҳукм ёки қарор совет қонунчилигига зид бўлмаслиги керак эди. Яъни, совет ҳокимияти қози ва бий судларига руҳсат берса-да, амалда уни жуда тор доирада чеклаб, совет судлари томонидан сиқиб қўйган эди.

Давлатга ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар, иқтисодиёт, ҳарбий соҳадаги жиноятларни кўриш қози ва бий судларининг ваколатига кирмаган. Бундай турдаги жиноятлар совет судларида кўриб чиқилган.

1922 йилнинг иккинчи ярмида Туркистонда 220 та қози судлари ташкил топди[17]. Ушбу судларга маҳаллий аҳолининг мурожаати йилдан йилга ортиб борган. Масалан, 1923 йилда Сирдарё вилоятидаги қозиларга мурожаат 1922 йилга нисбатан 30% га ошган. Бу кўрсаткич бутун республика бўйича 39% ни ташкил этган[18]. Ҳаттоки, аҳолининг талаби билан қўшимча қози судлари ташкил этилган. Бу ҳақда миллий матбуотда шундай хабар берилади: «Сирдарё вилоят ижроия кўмитаси уездлардан Тошкентда 6 та, Мирзачўлда 3 та, Чимкентда 2 та, Авлиёботада 2 та ва Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 4 та қозихона ташкил этди»[19].

1922 йил 23 декабрда Туркистон АССР МИҚ қози ва бий судлари ҳақида янги низом қабул қилди[20]. Низом мазкур судлар фаолиятига бир қатор ўзгаришлар киритди.

Жумладан, апелляция шикоятларини кўрувчи қозилар кенгаши тугатилди. Қозининг ҳукм ва қароридан норози томон икки ҳафта ичида тўғридан-тўғри совет судларига шикоят бериши мумкин эди. Қози судлари ваколатидан ер билан боғлиқ низоларни кўриш олиб ташланди. Низомдаги яна бир янгилик шунда эдики, бундан кейин қози ва бий судлари шариат ва одат бўйича эмас, балки РСФСР кодекслари асосида иш юритадиган бўлди.

Туркистонда мустабид совет ҳокимияти маҳаллий аҳоли ишончини қозониш учун бир неча бор совет қонунчилиги ва шариат нормаларини ўзаро мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган эди. Масалан, 1920 йил 31 январда совет ҳуқуқшунослари ва мусулмон фиксшуносларидан иборат комиссия тузилган эди. Комиссия хулосасида шариат нормалари билан совет қонунчилиги бир-бирига мувофиқ келмаслиги баён этилган эди: «Совет қонунчилиги ва мусулмон ҳуқуқи орасида катта қарама-қаршилик мавжуд бўлиб, уларни мувофиқлаштиришнинг имкони йўқ. Ё совет қонунчилиги шариатга ён босиши керак ёки шариат совет қонунчилигига бўйсунishi керак»[21, С.175].

Совет ҳокимияти шубҳасиз иккинчи йўлни танлади. Қози ва бийлар совет қонунчилигига бўйсундирилди. Қози ва бий РСФСР Жиноят кодекси асосида айбдорни бир йилгача озодликдан маҳрум қилиши ва 500 рублгача давлат ҳисобига жарима солиши мумкин эди[22]. Демак, қози ва бий судлари номигагина мавжуд бўлиб, амалда совет қонунчилигига хизмат қилишга йўналтирилган эди.

Совет ҳокимияти йил сайин қози ва бий судлари сонини қисқартириб борди. Биргина Самарқанд вилояти мисолида олиб кўрилса, 1922 йил 71, 1923 йил 30, 1924 йил 15, 1925 йил 6 та қозихона мавжуд эди[23,С.25].

Совет ҳокимияти қозиларни қанчалик тугатишга уринса, аҳолининг уларга бўлган мурожаати шунчалик ортиб борган. Масалан, 1923 йилга келиб, Сирдарё вилоятида маҳаллий аҳоли ўртасидаги турли низоларнинг 52 % қози судлари томонидан кўриб ҳал этилган бўлса, ушбу кўрсаткич Самарқандда 42 % ва Фарғона вилоятида 34 % ни ташкил этган[24]. Рақамлардан маълум бўладики, қози судлари камайса-да, улар кўрадиган ишлар салмоқли даражада бўлган.

Қози ва бий судлари 1923 йил давлат таъминотидан маҳрум қилинди. 1924 йилга келиб эса барча жиний ишларни кўриш совет судлари ваколатига ўтказилди. Қозилар фақат 25 рублгача бўлган фуқаролик даъволари, никоҳ ва ажралишга оид ишларни кўриш билан чеклаб қўйилди.

Бий судлари қози судларига нисбатан анча олдин 1923 йилдаёқ тугатилди. Қози судлари эса 1928 йилда расмий равишда тугатилсада, бироқ XX аср 20-йиллар охирига қадар норасмий фаолият юритди.

#### **4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий халқ турмуш тарзига ислом дини орқали чуқур кириб борган қози ва бий судларини тугатиш совет ҳокимияти учун қийин кечди. Чунки дастлабки йилларда совет ҳокимияти амалга оширган «қизил террор» натижасида нафақат унинг бошқаруви, балки унга хизмат қилган суд тизими ҳам халқда салбий таассурот уйғотган эди. Шунингдек, совет судларида рус тилида иш юритилиши, ҳукм ва қарорларнинг асосланмаган тарзда қабул қилиниши, таниш-билишчиликнинг авж олганлиги, энг муҳими кадриятларга зидлиги халқни ундан янада узоқлаштирди. Бу ҳол маҳаллий аҳолининг қози ва бий судларига мурожаатининг давом этишига олиб келди. Аммо совет ҳокимияти узоқ ва пухта ишланган режа асосида қози ва бий судлари ваколатини совет судларига ўтказиб борди ва 20-йилларнинг иккинчи ярмига келиб бутунлай тугатишга муваффақ бўлди.

#### **Иқтибослар / Сноски / References**

- 1.ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 159-варақ. (UzNA. R-Fund 38, List 2, Work 3, page 159)
- 2.ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 10-варақ. (UzNA. R-Fund 25, List 1, Work 202, page 10)
- 3.Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 246-иш, 1-варақ.(Archives of Tashkent region, Fund 2, List 1, Work 246, page 1)

4. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 946-иш, 5(б)-варақ. (UzNA. R-Fund 25, List 1, Work 946, page 5(b))
5. Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 246-иш, 10-варақ. (Archives of Tashkent region, Fund 2, List 1, Work 246, page 10)
6. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 189-иш, 120-варақ. (UzNA. R-Fund 38, List 2, Work 189, page 120)
7. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 189-иш, 127-варақ. (UzNA. R-Fund 38, List 2, Work 189, page 127)
8. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. / Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Илмий муҳаррир. Жўраев М. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 199. (Uzbekistan in the soviet colonization period. / New history of Uzbekistan. Volume 2. Scientific editor Jurayev M. – Tashkent: Sharq, 2000. page 199.)
9. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 392-иш, 238-варақ. (UzNA, R-Fund 38, List 2, Work 392, page 238)
10. Янги адлия маҳкамалари // Қизил байроқ. – Тошкент, 1921, 14 апрел. (New Institutions of Justice//Red flag. – Tashkent, 1921, April 14)
11. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 178-иш, 120-варақ.(UzNA, R-Fund 38, List 2, Work 178, page 120)
12. Уразаев Ш. Туркестанская АССР-первое социалистическое государство в Средней Азии. – М.: Госюриздат, 1961. – С. 162.(Urazayev Sh. Turkestan ASSR-first socialistic state in Central Asia. М: Gov.Juridical Pub.office, 1961. p.162)
13. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 178-иш, 120-варақ. (UzNA, R-Fund 38, List 2, Work 178, page 120)
14. ЎзМА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 178-иш, 120 (б)-варақ.( UzNA, R-Fund 38, List 2, Work 178, page 120 (b))
15. Ишчи ва деҳқон қозисининг фикри // Қизил байроқ. – Тошкент, 1922, 29 июн. (The opinion of kaziys of workers and peasants// Red flag. –Tashkent, 1922. June 29)
16. Суд тузилиши тартиби // Қизил байроқ. – Тошкент, 1922, 13 август. (The order of judge structure//Red flag. –Tashkent, 1922, August 13)
17. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1372-иш, 42-варақ. (UzNA, R-Fund 25, List 1, Work 1372, page 42)
18. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1372-иш, 42-варақ. (UzNA, R-Fund 25, List 1, Work 1372, page 42)
19. Қозихоналар очиш // Туркистон. – Тошкент, 1923, 15 февраль.(Establishment of kaziys' office//Turkestan. – Tashkent, 1923, February 15)
20. Қози ва қозихоналар тўғрисида // Туркистон. – Тошкент, 1923, 3 март. (About kaziys and offices of kaziys//Turkestan. – Tashkent, 1923, March 3)
21. Сапарғалиев М. История народных судов Казахстана. – А.: Казахстан, 1966. – С. 175. (Sapargaliyev M. History of national judges of Kazakhstan. – А.: Kazakhstan, 1966. – p.175)
22. Қози ва қозихоналар тўғрисида // Туркистон. – Тошкент, 1923, 3 март. (About kaziys and offices of kaziys//Turkestan. – Tashkent, 1923, March 3)
23. Сулаймонова Х. К истории организации советских судов в Узбекистане. – Ташкент: Правда Востока и Кызыл Узбекистан, 1950. – С. 25. (Suleymonova Kh. K. To the history of the organization of soviet judges in Uzbekistan. – Tashkent. Truth of East and Red Uzbekistan, 1950. p.25)
24. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1372-иш, 42-варақ. (UzNA. R-Fund 25, List 1, Work 1372, page 42)

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 6 СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 6**

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 6**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000